

# Yurt tarovatı

Маънавий-маърифий,  
ижтимоий-оммабоп газета

Юрт таровати

№15 (46) 2020-yil 20-avgust



## МАТЕМАТИКА, КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ЧУҚУРРОҚ ЎҚИТИЛАДИ

Маълумки, жорий йилнинг 31 январь куни Президентимиз раҳбарлигида математика, кимё, биология ва геология илм-фанини ривожлантиришга бағишланган йиғилишда илм-фаннинг устувор йўналишлари сифатида математика, кимё, биология ва геология соҳалари белгиланган эди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб математика, кимё ва биология фанларини чуқурроқ ўргатиш учун мазкур фанларга қўшимча дарс соатлари ажратилди.

Жумладан:

- 10-синф "Математика" фанига ҳафтасига 1 соат;
- 10-11-синф "Кимё" фанига ҳафтасига 1 соатдан (жами 2 соат);
- 10-11-синф "Биология" фанига ҳафтасига 1 соатдан (жами 2 соат).

Шунингдек, 2020 йил - Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида мамлакатимизда таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари жорий этилиши муносабати билан 5-6-синфларда "Информатика ва ахборот технологиялари" фанига ҳафтасига 0,5 соатдан (жами 1 соат) қўшиб берилди.

Энди халқ таълими тизимида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб: Математика фани ҳафтасига 55 соат (ўтган йилда 54 соат); Кимё фани ҳафтасига 12 соат (ўтган йилда 10 соат); Биология фани ҳафтасига 15 соат (ўтган йилда 13 соат); Информатика ҳафтасига 10 соат ўқитилади (ўтган йилда 9 соат). Эслатиб ўтамоқчи: давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 майда "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда шу йил 12 августда "Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинган.

Бекзод МАМАТҚУЛОВ,

вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**АЛИМЕНТНИ  
БИРАТЎЛА  
ОЛДИНДАН  
ТЎЛАШ  
МУМКИНМИ?**

**ЛИБОС ҲАМ  
ИНСОН КЎРКИ**



**САҲИФАЛАРИМИЗДА:**

**ПАШШАЛАР  
БЎЛМАСАЙДИ**



**ОЛИМЛАР БАНАН  
БАРГИДАН  
АВТОМОБИЛЬ  
ИШЛАБ ЧИҚА-  
РИШНИ ТАКЛИФ  
ҚИЛИШМОҚДА**

Карши муҳандислик-иқтисодий институти томонидан дунёнинг нуфузли олий таълим муассасалари, тегишли халқаро ташкилотлар билан мустақкам илмий алоқалар йўлга қўйилган, ҳамкорликда бир қатор самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ана шундай лойиҳалардан бири Европа иттифоқининг Erasmus+ дастури доирасидаги «MechaUZ» лойиҳасидир.

Лойиҳа координатори Алибек Эшев билан суҳбатимиз ҳам шу хусусида кечди.



## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ТАЪЛИМ СИФАТИ ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

— Алибек Собирович, суҳбатимиз аввалда Карши муҳандислик-иқтисодий институтида халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида бошласан.

— Албатта. Бугунги кунда институтида хорижий университетлар ва илмий марказлар билан тажриба алмашиш, олий таълимнинг турли соҳалари бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, Европа иттифоқи Erasmus+ дастурининг "Кредит сафарбарлиги" ҳамда "Олий таълимда салоҳиятни ошириш" (CBHE) лойиҳалари асосида Болгариянинг Янги София университети, Д.А.Тсенон иқтисодий ва бизнес Академияси, Варна техника университети, Руминиянинг (Stefan cel Mare University of Suceava) университети, Бухарест политехника университети, Руминия Америка халқаро университети, Брасов Трансилвания университети, Польшанинг UNIVERSITY OF WARMIA AND MAZURY IN OLSZTYN (UWM) университети, Рзесво технология университети (Rzeszw University of Technology), Литванинг (Lithuanian Maritime Academy) академияси, Литва Бизнес ва табиий фанлар университети, Грециянинг Халқаро ўрта ер денгизи университети, Венгриянинг Сзент Истван университети, Испаниянинг (UNIVERSIDAD DEL PAIS VASCO) университети, Сантьяго Де Компостелла университети, Италиянинг Ла-аквилла университети, Латвиянинг Резекне технология академияси, Болтик бўйи халқаро Академияси, Туркиянинг Кастаману университети, Sankiri Karatekin, Aydin Adnan Menderes университетлари, Португалиянинг Браганса политехника институти, (ISEG) Лиссабон Иқтисодий олий мактаби ҳамда Томар политехника институти билан икки томонлама ҳамкорлик шартномалари мавжуд.

— Энди бевосита Erasmus+ дастури ва ушбу дастур асосидаги «MechaUZ» лойиҳасининг йўлга қўйилиши тафсилотлари ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

— Қарши муҳандислик-иқтисодий институти

ти ва Андижон машинасозлик институти ўртасидаги ўзаро келишувларга мувофиқ 2017 йил ноябрь ойидан бошлаб лойиҳанинг дастлабки ҳужжатлари Европа иттифоқидан Грециянинг Гелленик халқаро университетига тақдим этилди. Лойиҳанинг ҳужжатлари камчилиги бўлганлиги боис 2018 йилда қайтадан топширилди ва ниҳоят 2019 йилнинг сентябрь ойида Европа Иттифоқи Erasmus+ дастури веб сайтыда лойиҳа ижобий ўтганлиги ҳақида яхши хабарни олдик. Ҳозирда лойиҳа амалга ошириб келинмоқда.

— Лойиҳадан қўзланган мақсад нима?

— Маълумки, сифатли ва рақобатбардош таълим - бу барқарор иқтисодий ўсиш, фан ва



технология ривожини, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилашдаги муваффақият гарови саналади. Рақамлаштириш таълим сифатини яхшилашга хизмат қилгани боис бу технология қатор мамлакатларда фаол тарзда таълим тизимига киритилмоқда.

Лойиҳа муддати 3 йилни (2019 - 2022) ташкил этган «MechaUZ»: Ўзбекистонда "Мехатроника ва робототехника" бакалаврият таълим йўналишини инновацион ғоялар ва рақамли технологиялар асосида модернизация қилиш лойиҳаси" ҳам Европа ОТМ ютуқлари асосида ишлаб чиқариш ва таълим интеграциясининг

янги ҳамкорлик шаклини яратиш ва жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лойиҳа доирасида ўқитувчиларнинг ўз иш фаолиятлари ёки махсус ўқув машғулотидаги иштирокларидан орттирган тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ўқув режаларини мустақил белгилашлари режалаштирилади. Ўқув жараёни АКТдан фойдаланилган ҳолда ташкиллаштирилади ва ўқитувчиларнинг улардан фойдаланиш кўникмаларини махсус тренингларида ўрганиб олишлари кўзда тутилади.

— Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги нечта олий таълим муассасасида ушбу лойиҳа амалга оширилмоқда?

— Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳридаги Турин Политехника университети, Фарғона Политехника институти, Тошкент ахборот технологиялари университети, Қарши муҳандислик-иқтисодий институти, Тошкент давлат техника университети, Андижон машинасозлик институти ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам ушбу лойиҳа иштирокчилари саналади.

Лойиҳа координатори Грециянинг Халқаро Гелленик университети, Миллий координатор эса Андижон машинасозлик институтидир.

Лойиҳада таркибига Европада Халқаро Гелленик университети, Греция, Жанубий-Шарқий Европа давлатлари илмий тадқиқот маркази, Вилнюс техника университети, Лиопажа университети, Видзема амалий фанлар университети ва Виано-Кастело политехника институти кирган.

— Албатта, бу халқаро лойиҳа бўлгани боис лойиҳа доирасидаги тадбирлар, турли тренинглари ҳам халқаро миқёсда ўтиши муқаррар. Ҳозирги кунда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Лойиҳанинг дастлабки учрашуви Грециянинг Халқаро Гелленик университетида 2020 йилнинг 10-14 февраль кунлари ўтказилди. Дастлабки учрашувда институтининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи «MechaUZ» лойиҳасининг институт бўйича бош координатори сифатида ўзим ва "Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқариш" кафедраси ассистенти Келдиёрова Малика билан бирга иштирок этдик.

Учрашув доирасида лойиҳанинг 3 йилга мослаштирилган иш режалари тузилди ва ҳар бир иш жараёнининг мақсад ва вазифалари белгиланди ҳамда иш жараёнлари бўйича ҳар бир ҳамкор ОТМ ларга топшириқлар берилди. Қарши муҳандислик-иқтисодий институти ҳам лойиҳа доирасида аллақачон ишчи гуруҳини тузиб олган ва иш жараёнларини бошлаб юборган. Ҳар 2 ойда бўлиб ўтаётган онлайн учрашувларида ўз ҳисоботларини бериб бормоқда.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!  
Насиба ИБРАГИМОВА  
суҳбатлашди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш алоҳида қайд этилган. Шунга кўра юртимизда бу борада ибратли ишлар амалга оширилаётганлиги қалбларимизни мунаввар айламоқда. Бирок, ҳамма жойда ҳам "Давлат тили ҳақида"ги Қонун талабларига риоя қилинаётими?!

Нишон туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, Давлат тили тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Орзигул Абдурахмонова бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида қуйидагиларни гапириб берди.

## ТИЛ - МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

- Аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Давлат тилини ривожлантириш Департаменти" ташкил этилганлиги нур устида аъло нур бўлди. "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлигига бу йил 31 йил тўлган бўлсада, кўпгина ташкилот ва муассаса пешлоқларида пешлавларда, кўчаларида аралаш-қуралаш қилиб

хатолар ҳамон кўзимизга ташланиб туради. Ўзларини "тадбиркор" деб биладиган "мутахассис"лар аввало ўзбек тилининг имлосини яхши билишлари керак. Бу каби лавҳаларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Автотранспорт ойналаридаги жой номларини билдирадиган кўрсаткичлар ҳам рус ва ўзбек тилида аралаш-қуралаш қилиб

"Тил-миллат кўзгуси". Кишилар билан ўзаро мулоқотда, ҳужжатларни юриштишда Давлат тилида иш олиб бориш биринчи галдаги вазифамиз. "Нуроний" газетасининг жорий йил 29 январдаги сониде журналист Орзигул Рустамова муаллифлигида чоп этилган "Нега саводимиз гуллаган?" сарлавҳали мақолани

борсизлик мавзуси очиб берилган. Ростдан ҳам ижтимоий тармоқлардаги фикрлар шунчалик эътиборсизлик билан берилганки, уларни ўқиб қулишни ҳам қуйишни ҳам билмайсан. Ҳали-ҳануз кўпгина ташкилот ва муассасаларда иш юрийтиш Давлат тилида олиб борилаёпти. Айниқса буни расмий ҳужжатларда кўпроқ учратиш мумкин.

Айрим тадбиркорлик субъектларидаги реклама баннерларида ёзилган сўзлар рус тилида ифода этилган. Мисол учун "Женская и детская одежда" пешлавлари "Аёллар ва болалар кийим-кечаклари", "Мойка"-ни ювиш, тозалаш, "Доставка"ни "Етказиб бериш" сўзлари билан алмаштириш мумкин-ку.

Давр барчамиздан янгина ишлашни тақоза этмоқда. Шундай экан, ўзбек тилини раванқ топтириш, тилимизга булган эътиборни яна ҳам қўлайтирсак, буни келгуси авлодларга бус-бутунлигича етказишга ҳисса қўшган бўламиз.

Шавкат СУЛТОНОВ